

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

РЕЙМОВ МАМАНБЕК ПОЛАТОВИЧ

**ОРОЛБЎЙИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ
ҲУДУДЛАР ЭКОТИЗИМ ВА ХИЗМАТЛАРИНИ ГЕОИНФОРМАЦИОН
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА КАРТАЛАШТИРИШ**

11.00.07-Геоинформатика

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Реймов Маманбек Полатович

Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларини геоинформацион таҳлил қилиш ва карталаштириш..... 3

Реймов Маманбек Полатович

Геоинформационный анализ и картографирование экосистем и их услуг охраняемых природных территорий Приаралья..... 21

Reimov Mamanbek Polatovich

Geoinformation analysis and mapping of ecosystem and their services in the protected natural areas of the Aral Sea region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

РЕЙМОВ МАМАНБЕК ПОЛАТОВИЧ

**ОРОЛБЎЙИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ
ҲУДУДЛАР ЭКОТИЗИМ ВА ХИЗМАТЛАРИНИ ГЕОИНФОРМАЦИОН
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА КАРТАЛАШТИРИШ**

11.00.07-Геоинформатика

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T1381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Александр Фехер (Нитра шаҳридаги Словакия қишлоқ хўжалиги университети), PhD, профессор

Расмий оponentлар:

Рафиков Ваҳоб Асомович
география фанлари доктори

Суюнов Абдусоли Саматович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг « 2 » ИЮН 2021 йил соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail:admin@tiame.uz).

Докторлик диссертацияси (PhD) билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (161 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил 18.05 кун тарқатилди.
(2021 йил « 18 » 05 даги 161 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султанов

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А.Янгиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Э.Ю.Сафаров

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш асосидаги бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Handwritten initials 'AS' in blue ink.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий ҳудудлар экотизимлари ва хизматларини таҳлил қилиш ва карталаштириш учун аниқлиги юқори ва ресурс тежамкор усуллар ва воситаларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида ҳар йили 19 миллион гектардан ортиқ ўрмон майдонлари қисқариб, 3,6 миллион гектар ўсимлик қопламга эга ерлар кучли деградацияга учраётганлигини ҳисобга олсак»¹ муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларини карталаштириш ва баҳолаш уларнинг аниқлиги ва тезкорлигини оширадиган технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларини баҳолаш ва карталаштиришда замонавий геоинформацион технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларини тадқиқ этиш уларни масофадан зондлаш маълумотларини интерпретация ва карталаштириш учун аниқлиги юқори тезкор усул ва воситаларнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларини таҳлил қилиш ва карталаштиришда юқори аниқликни таъминлаш ҳамда ҳудудларнинг шўрланиш, чўллашиш ва дегредация жараёнларини қисқа вақтда аниқлаб беришни таъминлайдиган усулларни такомиллаштириш ва ҳудудий экотизим хизматларининг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда уларни карталаштириш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш ва улардан барқарор фойдаланишни таъминлаш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш юзасидан кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида, жумладан «... муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш²» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг экотизим ва хизматларини мониторинг қилишда ихтисослашган индекслардан фойдаланган ҳолда геоинформацион таҳлил қилиш ва карталаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг

¹ <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/sustainable-development-goals/goal-15-life-on-land.html>

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 11-июндаги «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 484-сон қарори

атроф муҳитни муҳофаза қилиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги ВМҚ 484-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва V-«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўлланиш, экотизимларнинг ўзгариши, экотизим хизматлари концепцияси ва карталаштиришнинг назарий масалалари бўйича хорижлик олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ўрганилган. J.Maes, M.Petter, C.Samper, X.Hu, A.Feher, B.C.Залетаев, B.B.Сочава, B.H.Сукачев, H.M.Новикова, A.M.Берлянт ва бошқа олимлар томонидан мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва кўзланган натижаларга эришилган.

Республикамизда Орол ва Оролбўйи эко ва геотизимларининг ўзгариши ва чўллашиш жараёнлари бўйича тадқиқот ишлари A.A.Рафиқов, A.B.Бахиев, B.Жоллыбеков, A.I.Тучин, B.A.Рафиқов, H.K.Мамутов, П.Р.Реймов, A.C.Пулатов, Э.Ю.Сафаров ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ҳамда кўзланган натижаларга эришилган.

Ҳозирги вақтда илмий адабиётларда геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда экологик тизимлар ва Оролбўйи ҳудудида жойлашган муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим хизматларини геоинформацион таҳлил қилиш ва карталаштиришга бағишланган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли Оролбўйи ҳудудида жойлашган муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим хизматларини геоинформацион таҳлил қилиш ва карталаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ф-5-24-Қурғоқчил шароитда Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий трансформацияланувчи постделтаси экотизимларининг ўзгариш динамикасини ўрганиш (2012-2016) мавзусидаги, 530808-TEMPUS-1-2012-1-HU-TEMPUS-JPCR «Геоинформатика: Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришишни таъминлаш» (2012-2015) мавзусидаги, 561590-EPP-1-2015-1-SK-EPPKA2-SVNE-JP «Ўрта Осиё университетларининг қишлоқ хўжалиги соҳаси атроф-муҳит муҳофазаси ва ер бошқарувига қаратилган компетенцияларини кучайтириш» (2015-2018) мавзусидаги, 585718-EPP-1-2017-1-HU-EPPKA2-SVNE-JP «DSinGIS: Геоинформатика

соҳасида докторантура» (2017-2021) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Жанубий Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларини тадқиқ қилиш учун геоахборот тизимларидан фойдаланишни барқарорлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизимларининг чўллашиш ва трансформация жараёнларини тадқиқ қилиш мақсадида ҳар хил ихтисослашган спектрал индекслардан фойдаланиш усуллари ёрдамида таҳлил қилиш ва баҳолаш;

ихтисослашган спектрал индекслардан фойдаланиб, масофадан зондлаш маълумотлари асосида «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси мисолида геоэкологик таҳлил қилиш ва ҳудуднинг ландшафт-экологик картасини яратиш;

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳудудий таркибини фазовий таҳлил ёрдамида оптималлаштириш ва экотизим хизматларини такомиллаштириш;

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати экотизим хизматларини карталаштириш усулини ишлаб чиқиш ва картасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Оролбўйи экотизимларининг индикацион белгилари, уларнинг спектрал тавсифлари ва экотизим хизматлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дала ва камерал шароитларда умумий қабул қилинган географик ва картографик, масофадан зондлаш маълумотларини спектрал таҳлил қилиш, экотизим хизматларини таҳлил қилиш ва моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

космик тасвирларни интерпретация қилиш усули уч декадада юзаларнинг намланиш, чўлланиш ва тупроқларнинг шўрланиш спектрал индексларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ва илк бора Жанубий Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизимларининг чўллашиши ва трансформацияси аниқланган;

нормаллаштирилган вегетация индексига кўшимча равишда юзаларнинг намланиш ва шўрланиш спектрал индексларини ҳисобга олган ҳолда «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонасининг илк бора 1:250 000 масштабда ландшафт-экологик картаси яратилган;

экотизим хизматларини карталаштириш усули агроландшафтларга яқин жойлашган табиий ҳудудларни муҳофаза қилинадиган, буферли, иқтисодий зонага кўшимча равишда қишлоқ хўжалиги зонасига ажратиш асосида ҳудудий экотизим хизматларининг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

агроландшафтларга яқин жойлашган муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг таъминот, норматив, яшаш муҳити ва маданий хизмат турларини ҳисобга олган ҳолда илк бора Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг 1:500 000 масштабли экотизим хизматлари картаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизимларининг асосий турларини таснифлаш учун оптик индекслардан фойдаланиш усули ишлаб чиқилган;

геоэкологик мониторинг қилиш мақсадида экотизимларнинг инвентаризацион карталарини асосий элементларининг ахборотли таркибини тузиш бўйича янги ёндашув таклиф этилди, «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўрикхонаси учун 1:250 000 масштабли ландшафтли-экологик картаси яратилган;

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати зонасида табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш учун экологик хизматлар концепциясидан фойдаланилган;

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати тегишли ҳудудларининг табиий ва иқтисодий ўлчамлари бўйича маълумотлар базаси ва 1:500 000 масштабли экотизим хизматларининг картаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги материалларидан фойдаланилганлиги, тадқиқотлар натижасида яратилган карталарнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий усул ва технологиялар ёрдамида Оролбўйи ҳудудида жойлашган муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларининг геоинформацион таҳлил қилинганлиги ҳамда ERDAS Imagine, ArcGIS дастурларидан фойдаланиб экотизим ва хизматлари карталари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўрикхонаси учун 1:250 000 масштабли ландшафтли-экологик картаси ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати учун 1:500 000 масштабли экотизим хизматларининг картаси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Геоэкологик таҳлил ва мониторинг натижалари асосида ҳудуднинг 1:250 000 масштабли ландшафтли-экологик картаси «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўрикхонасига жорий этилган (Қорақалпоғистон

Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 декабрдаги 02/18-1-2314-сон маълумотномаси). Натижада, табиий экотизимларнинг трансформацияланиш жараёнларини геоэкологик таҳлил қилиш ва мониторинги учун турли спектрал индекслардан фойдаланиш имкони яратилган;

Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг экотизим хизматларини карталаштириш усули, агроландшафтларга яқин жойлашган муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб ишлаб чиқилган ва 1:500 000 масштабдаги экотизим хизматлари картаси Қуйи Амударё давлат биосфера резерватига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 декабрдаги 02/18-1-2314-сон маълумотномаси). Натижада, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати экотизим хизматлари ҳолати, турлари ва миқдор кўрсаткичларини мониторинг қилиб бориш имконияти яратилган.

экотизим хизматлари таҳлил натижаларини инобатга олиб, Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг ҳудудий таркибини оптималлаштириш усули Қуйи Амударё давлат биосфера резерватига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 декабрдаги 02/18-1-2314-сон маълумотномаси). Натижада, агроландшафтларга туташган муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг фазовий тузилишини оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилишда мақсадли вазифа сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган асосий экотизим хизматларини аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ишончлилиги баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб

берилиб, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жанубий Оролбўйи ҳудудларининг замонавий геозкологик шароитлари ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳамда уларни ўрганиш учун масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланиш**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва чет эл олимларининг тадқиқот ишлари ўрганилган. Шунингдек, тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, Жанубий Оролбўйи табиий шароитларининг ҳозирги ҳолати, минтақадаги экологик муаммоларнинг юзага келиш сабаблари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши, мониторинг ва таснифлаш вазифалари учун кўп спектрал масофадан зондлаш маълумотларининг хусусиятлари ва имкониятлари ҳақида умумий маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотда Жанубий Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг экологик тизимларини ўрганиш, уларнинг тузилиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик карталаштириш, мониторингини ишлаб чиқишни функционал ташкил этиш учун табиий эталон ҳудуд сифатида кўриб чиқишга имкон беради (1-расм).




1-расм. Тадқиқотнинг объектлари

Тадқиқот натижаларига кўра, Оролбўйи минтақасидаги ўсимлик қопламанинг ресурс салоҳиятини сақлаб қолиш ва тиклаш учун табиий экотизимлар ва хизматлар ҳолатини барқарорлаштиришга ёрдам берадиган ва шу билан бирга, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларни сақлаб қолиш имкониятларини яратадиган махсус тадбирлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Жанубий Оролбўйи минтақасининг табиий-антропоген ландшафтларини геозкологик таҳлил ва мониторинг қилиш мақсадида космик тасвирларни интерпретация қилиш усуллари**» деб

номланган иккинчи бобда масофадан зондлаш маълумотларини талқин қилиш натижалари, экотизимларнинг тузилишини ўрганиш учун сунъий йўлдош кузатувлари, худудларни таҳлил қилиш ва бажарилган ишларнинг илмий-техник даражасини баҳолаш учун агентга йўналтирилган моделлаштиришни қўллаш мисоллари, спектрал индекслар ёрдамида масофадан зондлаш маълумотлари натижалари келтирилган.

Оролбўйи экотизимларини ўрганиш бўйича тўпланган хорижий ва маҳаллий тажрибалар умумлаштирилди. Илк мартаба тадқиқотда вегетация даврининг бошида, ўртасида ва охирида кўп сувли (1989-1990), кам сувли (2000) ва ўртача сувли йиллар (2017-2018) учун экотизим ҳолатини спектрал индексларидан, яъни нормаллаштирилган вегетация, юза намланишининг спектрал, чўлланишнинг спектрал ва тупроқ шўрланишининг спектрал индексларидан фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш имконияти яратилди (2-расм).



2-расм. Космик суратларга ишлов бериш жараёни

«Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси учун космик тасвирлардан фойдаланиш муҳофаза қилинадиган турларнинг яшаш жойлари ҳолатини назорат қилишнинг энг муҳим усули ҳисобланади. Хусусан, вегетация индексини аниқлаш кўриқхона ҳудудининг бирламчи биомаҳсулдорлигини баҳолаш, геоморфологик таҳлил натижаларини ўсимлик қоплами зичлигининг тақсимланиши билан таққослаш табиий фитоценозларнинг қайта тузилиш тенденцияларини аниқлаш имконини ҳамда чизиқли объектларни аниқлаш тупроқли йўллар пайдо бўлишидан далолат беради.

Кўллар ва тартибга солинадиган сув ҳавзалари жойлашган Амударё дельтаси учун («Судочье» кўли, «Междуреченское» сув омбори ва бошқалар) космик тасвирларни ўрганиш ботқоқли жойлар ҳолати, сув сатҳи майдони, унинг ўсимлик билан ўсиб кетиши, эвтрофикация жараёнлари ва қирғоқ ўсимликлари ҳолатини аниқлаш имконини беради.

Ўзан олди тўқай ўрмонлари ва Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг космик тасвирлари ўрмон майдонларининг ҳолатини баҳолаш, ёнган майдонларни ва кесилган дарахтларни аниқлаш, дарахт экинларининг янгилини тезлигини баҳолаш, антропоген юклама даражаси ювилиш ва дарё ўзанидаги жараёнлар туфайли Амударё ўзинининг ўзгариши, шунингдек, буфер зонасидаги хўжалик фаолиятини аниқлаш имконини яратади.

Шундай қилиб, масофадан зондлаш усулларида фойдаланиш муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқариш ва назорат қилиш учун минтақавий геоахборот тизимининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Ландшафтларни ўрганишда спектрал индекслар ва геоахборот технологияларидан фойдаланиш, баъзи бир ўзгарган экотизимлар ўз хусусиятларини ва фазовий тузилишини тезда ўзгартиришга мойиллигини кўрсатди. Қоида тариқасида, бу материя оқимининг тебраниши натижасида атроф-муҳитнинг тез ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланди.

Кўп зонали космик тасвирларнинг кўпайиши, барқарорликнинг ошиши ва орбитал сенсорлар шовқин даражасининг пасайиши, шунингдек сигнал жадаллигини узоқ муддатли калибрлаш туфайли, сўнгги йилларда масофадан зондлаш усулларида спектрал индекслар, айниқса нормаллаштирилган вегетация индекси (NDVI) кенг фойдаланилмоқда.

Аммо қурғоқчил ва кам қопламли ҳудудларнинг ландшафт ва экологик хусусиятлари, айниқса Оролбўйи минтақасини ўз ичига олган классик автоморф чўллар ва воҳа ҳамда делта экоценозлар орасидаги ўтиш жойлари бўлган ҳудудлар учун нафақат ушбу индексни, балки мураккаб ўзгарувчан ландшафтларнинг космик тасвирларини шарҳлаш учун яхшироқ мослашган бошқа бир қатор индекслардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Классик нормаллаштирилган вегетация индекс яқин инфракизил ва кизил каналлар жадалликлари ўртасидаги фарқнинг уларнинг йиғиндисига нисбатини ифодалайди.


Нормаллаштирилган вегетация индекси:

$$NDVI = \frac{NIR - Red}{NIR + Red} \quad (1)$$

Тупроқнинг оптик тавсифлари бўйича тўғриланган модификацияланган индекс:

$$MSAVI = \frac{2NIR + 1 - \sqrt{(2NIR + 1)^2 - 8(NIR - Red)}}{2} \quad (2)$$

Бу ерда: NIR-спектрнинг инфрақизилга яқин ва Red-спектрнинг қизил рангда акс этишидир. Тупроқнинг оптик хусусиятларини тузатиш билан вегетация индексидан фойдаланганда, энг қийини, баъзи ҳолларда доимий ва 0,5 га тенг деб қабул қилиниши мумкин бўлган тузатиш ўлчамини танлаш эканлиги аниқланди. Жанубий Оролбўйи минтақасининг ландшафт-экологик шароитлари учун ушбу тузатиш коэффицентини тупроқ-гидрогеологик шароитлари ва рельефнинг хусусиятлари асосида ҳисоблаш мумкин. Шубҳасиз, кенг спектрал диапазонда энг ёрқин ранглилари шўр тупроқлар ёки шўрхоқлар, шунингдек, Устюрт платосининг кучли бузилган гипсланган тупроқлари бўлиши кузатилди (3-расм).




3-расм. Нормаллаштирилган вегетация индекси, NDVI («Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси 1989й; 2000й; 2018 й.)

Ушбу бўлимда тупроқ намлигини мониторинг қилувчи индексдан фойдаланилган. Ушбу индекснинг афзаллиги уни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган спектрал зоналарнинг камлигидир, бу эса MODIS сунъий йўлдошларини ҳам жалб қилишга имкон беради. Ҳусусан, MNDWI

модификацияланган нормаллаштирилган дифференциал сув индекси ҳам юқори индикатив самарадорликни кўрсатди (4-расм):

$$MNDVI = \frac{Green - MIR}{Green + MIR} \quad (3)$$

Бу ерда: Green-спектрнинг яшил рангда акс этиши ва MIR-спектрнинг ўрта инфрақизил кўрсатгичи.



4-расм Модификацияланган нормаллаштирилган дифференциал сув индекси, MNDWI («Судочье» давлат қўриқхонаси 1989й; 2000й; 2018 й.)

Чўлланиш ва экотизимни қайта тузишнинг энг муҳим омили бўлган тупроқ шўрланишини кузатиш учун оптик шўрланиш индекслари қўлланилди.

Шўрланиш индекси (SI), шўрланишнинг нормаллаштирилган фарқ индекси (NDSI) ва нормаллаштирилган вегетация индексига (NDVI) қўшимча равишда албедро индекси (BI) каби турли хил спектрал индекслар қурғоқчил экотизимларда тупроқ шўрланишини карталаштириш учун кенг зонали космик тасвирларига ягона ишлов бериш алгоритмида самарали амалга оширилиши мумкинлиги аниқланди.


Аmmo ҳозирги вақтда тупроқнинг галогеохимёвий тавсифларига эга ер юзидаги акс этириш спектрини боғловчи Жанубий Оролбўйи минтақасида учрайдиган ҳар хил атроф-муҳит шароитлари ва тупроқ турлари учун бир хил функционал бўлиши мумкин бўлган универсал алгоритм ишлаб чиқилмаган. Диссертация иши ушбу бўлимнинг мақсади Landsat 8 ва бошқа кўп зонали космик тасвирларини таснифлашда турли хил ёндашувлардан

фойдаланган ҳолда кучли шўрланган майдонларни кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлар фонида дифференция қилишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тупроқ шўрланишининг спектрал индекслари тўпламидан фойдаланилди, тупроқ шўрланишининг бир нечта индекслари қўлланилди, улар ер усти космик кузатувлари ёрдамида текширилди.

Тадқиқот натижалари албедони ҳисоблашга асосланган индекслар шўрхок тупроқларга нисбатан сезгирлигини кўрсатди, дифференциал спектрал шўрланиш индекслари эса тупроқ юқори қатламининг бир текис қопламасини ҳосил қилмайдиган диффузион туз излари ва туз қобиғи учун самаралироқ эканлиги аниқланди. Устюрт платосининг гипсли тупроқлари учун SI_{β} ва SI_{δ} индексларидан фойдаланиш мумкин, шу билан бирга, делтали кумоқ тупроқлар, суғориладиган зонанинг тупроқлари ва Қуйи Амударё давлат биосфера резервати учун SI_{ϵ} индекси кўпроқ сезгирлиги аниқланди. Делтанинг шимолий суғорилмайдиган қисми учун SI_{ξ} ва SI_{ϵ} индексларидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги аниқланди (5,6-расмлар).



5-расм. Шўрланишнинг спектрал индекси, Sla2 («Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси 2018 й.)



6-расм. Шўрланишнинг спектрал индекси, Sla2 (Қуйи Амударё давлат биосфера резервати 2018 й.)

«Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси жойлашган Шимолий-Шарқий Устюртнинг геоэкологик хусусиятлари аниқланди. 2018-2019 йиллардаги мултиспектрал космик суратлар ва дала тадқиқотларининг маълумотларини қайта ишлаш асосида 1:250 000 масштабда кўриқхона экотизимларининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи «Сайгачий» мажмуавий (ландшафт) буюртма кўриқхонасининг инвентаризацион ландшафт-экологик картасини тузиш имконияти яратилди. Ушбу карта буюртмаҳонадаги биологик хилма-хилликни асраш ва табиатни муҳофаза

қилиш чора-тадбирларини экотизимлар доирасидаги хусусиятидан келиб чиқан ҳолда амалга ошириш имконини беради (7-расм).



7-расм. «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонасининг ландшафтли-экологик картаси

Диссертациянинг «Қуйи Амударё давлат биосфера резервати мисолида экотизим хизматлари концепциясидан фойдаланган ҳолда ҳудудларнинг экологик каркасларини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг ҳозирги ҳолати ва фаолият юритишининг муаммолари, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати негизда муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлаш ва фаолиятини оптималлаштириш учун экологик хизматлар концепциясини қўллаш ва карталаштириш натижалари келтирилган.

Биосфера резерватининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ҳудуд уч зонага: муҳофаза, буфер ва иқтисодий зоналарига ажратилган. 11568 гектар (17%) майдонга эга бўлган муҳофаза зонаси қатъий ҳимоя режими остидадир. Ушбу зона табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилиш, мониторинг ва илмий тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган. 6734 гектар (10%) майдонга эга бўлган буфер зонаси табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш учун мўлжалланган. Резерватда режим қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган бўлиб, буфер зонасининг ерлари ижарачиларга тегишлидир. Ўтиш (иқтисодий) зонаси 50418 гектар (73%) майдонни ташкил этади, табиий ва бошқа объектларга зарар етказмасдан хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун яратилган.

Айни пайтда Қуйи Амударё давлат биосфера резерватида Амударёнинг қуйи оқимида сув танқислиги билан боғлиқ бўлган мураккаб экологик муаммолар мавжуд бўлиб, бу тўқай ва биологик хилма-хилликнинг йўқ қилинишига, чўлланишнинг кўпайишига ва ҳудуднинг шўрланишига, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши туфайли табиий экотизимлар антропоген босимига олиб келади. Экотизим хизматларининг миқдорий кўрсаткичларини карталаштириш Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг экотизимига салбий таъсирини камайтириш учун юқори даражадаги хизматни муҳофаза қилиш ёки бошқариш зарур бўлган жойларни аниқлаш орқали мавжуд хизматларни назорат қилиш учун асос бўлади.

Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг экотизими турли манфаатдор томонларга турли ҳил хизматларни тақдим этади. Экотизим хизматларининг тўртта асосий тури мавжуд: таъминот хизматлари, норматив хизматлар, яшаш муҳити хизматлари ва маданий хизматлар (1-жадвал). Экотизим хизматларни таҳлил қилиш натижасида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни зоналаштиришнинг фазовий таркибини оптималлаштириш таклиф этилди. Анъанавий тарзда учта муҳофазалаш зоналарга ажратишдан кўра ҳудудни тўртта: қишлоқ хўжалиги, иқтисодий, буфер, муҳофаза қилинадиган зоналарига ажратиш илк маротаба таклиф этилди. Натижада Қуйи Амударё биосфера давлат резервати ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиладиган ерлари алоҳида зонага ажратилди. Бу ўз навбатида таъминот экотизимлари хизматларини мониторинг қилиш имконини беради.

1-жадвал

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати томонидан амалга оширилган хизматлар

Экотизим хизматлар и турлари:	Таъминот хизматлари				Норматив хизматлари		Яшаш муҳити хизматлари			Маданий хизматлари
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари		Қурилиш материаллари		Углерод ни ажратиш	Зарарк унандаларга қарши кураш	Ўсимлик	Гефонд ҳимояси		Эко туризм
	Пахта	Бугдой	Қурилиш охаги	Майда қоя тошлар				Флора	Фауна	
Қишлоқ хўжалиги зонаси	+0,6 т/га/йил	+0,09 т/га/йил	-	-	-	0	/	/	/	-
Иқтисодий зона	-	-	+0,02 т/га/йил	+1,22 м ³ /га/йил	-	-	/	/	/	*
Буфер зонаси	-	-	-	-	/	-	+	+	+	*
Муҳофаза қилинадиган зона	-	-	-	-	+14,7 т/га/йил	-	+	+	+	*
Амударё дарёси	-	-	-	-	-	-	/	+	+	-


Шартли белгилар:

- + Қуйи Амударё давлат биосфера резервати томонидан амалга оширилган хизматлар;
- Қуйи Амударё давлат биосфера резервати томонидан амалга оширилмаган хизматлар;
- / ҳали аниқланмаган;
- * аввал амалга оширилган хизматлар (ҳозирги кунда мавжуд эмас).

Агроландшафтларга яқин жойлашган муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ихтисослигини ҳисобга олиб, экотизим хизматларини карталаштириш усули ишлаб чиқилди (8-расм). Мазкур усул асосида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати мисолида 1:500 000 масштабда муҳофаза қилинадиган ҳудудларига эга қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари билан маҳаллий жамоаларнинг ўзаро таъсири учун экотизим хизматларининг карталари илк мартаба тузилди (9-расм).



8-расм. Экотизим хизматларини карталаштириш усули



Масштаб 1:500 000

9-расм. Қуйи Амударё давлат биосфера резервати зонал картаси

Натижада мазкур ҳудуддаги экотизим хизматлари ҳолати, турлари ва миқдор кўрсаткичларини мониторинг қилиб бориш имконияти яратилди.

ХУЛОСА

“Оролбўйи муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизим ва хизматларини геоинформацион таҳлил қилиш ва карталаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оролбўйи экотизимларини ўрганиш бўйича тўпланган хорижий ва маҳаллий тажрибалар умумлаштирилди. Илк мартаба тадқиқотда вегетация даврининг бошида, ўртасида ва охирида кўп сувли (1989-1990), кам сувли (2000) ва ўртача сувли йиллар (2017-2018) учун экотизим ҳолатини спектрал индексларидан яъни нормаллаштирилган вегетация, юза намланишининг спектрал, чўлланишнинг спеткрал ва тупроқ шўрланишининг спектрал индексларидан фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш имконияти яратилди;

2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экотизимларини таҳлил қилишнинг умумий тамойиллари ва усуллари, шу жумладан ўрганилаётган муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни экологик-картографик таҳлиллари ва экологик-иқтисодий баҳолашнинг замонавий усуллари ҳамда экотизимларга хизмат кўрсатиш услубияти аниқланди ва мослаштирилди. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар табиий экотизимларининг ўзгариш жараёнларини кузатиш учун турли хил спектрал индекслардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган. Геоахборот тизими технологияларини қўллаган ҳолда спектрал индекслардан фойдаланиш юқори сифатли маълумотларга эга бўлиш имконини беради;

3. Бажарилган тадқиқотлар натижасида антропоген трансформация жараёнлари ва ўрганилаётган экотизимларнинг мавсумий ўзгарувчанлигини аниқ акс эттирувчи космик тасвир материаллари танланди. Ўрганилаётган ер юзасининг оптик хусусиятлари ва экотизим ўлчамлари ўртасидаги боғлиқликни бевосита очиб берадиган спектрал индекслар ҳисобланган. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ўрганишда нормаллаштирилган вегетация, юза намланиши, нормаллаштирилган дифференциал сув ва тупроқ шўрланишининг спектрал индексларидан фойдаланиш энг ишончли маълумотларни берган;

4. 2018-2019 йиллардаги мултиспектрал космик суратлар ва дала тадқиқотларининг маълумотларини қайта ишлаш асосида 1:250 000 масштабни кўриқхона экотизимларининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи «Сайгачий» мажмуавий (ландшафт) буюртма кўриқхонасининг инвентаризацион ландшафтли-экологик картасини тузиш имконияти яратилди. Ушбу карта буюртмаҳонадаги биологик хилма-хилликни асраш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини экотизимлар доирасидаги хусусиятидан келиб чиқан ҳолда амалга ошириш имконини беради;

5. Ретроспектив ва дала маълумотлари, вегетация индекслари динамикаси бўйича биологик маҳсулдорликни баҳолашни акс эттирувчи қатламларнинг ягона геоахборот моделига бириктирувчи Жанубий Оролбўйи минтақасидаги муҳофаза қилинаётган ҳудуднинг махсус шароитларга

мослаштирилган геоэкологик таҳлил усули таклиф қилинган. «Судочье» давлат кўриқхонасининг беқарор сувли-ботқоқли ҳудудлари учун табиий тизимнинг ўзига хос хусусиятларига сезгир бўлган спектрал индекслар тўплами бўйича экотизимнинг фазовий компонентларини аниқлаш алгоритми таклиф этилди. Таклиф этилган алгоритм ва яратилган ГАТ технологиялари «Судочье» кўллар тизимининг экотизимлари ҳолатини доимий мониторинг қилиш имконини беради;

6. Қуйи Амударё давлат биосфера резервати таъсир зонасидаги экотизим хизматларининг таҳлили, кўриқланадиган ҳудуднинг иқтисодий фаоллиги ва экологик-иқтисодий барқарорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг юқори даражадалигини кўрсатди. Ушбу тескари алоқаларни таҳлил қилиш ва ўзаро таъсирини баҳолаш учун экотизим хизматлари тўпламлари бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Агроландшафтларга туташган муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг фазовий тузилишини оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилишда мақсадли вазифа сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган асосий экотизим хизматларини аниқлаш имконияти яратилган;

7. Экотизим хизматлари усулидан фойдаланган ҳолда, Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди. Муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг барқарорлигини ошириш ва маҳаллий жамоалар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар билан ижтимоий-иқтисодий ўзаро алоқаларни оптималлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконияти яратилди;

8. Экотизим хизматларини таҳлил қилиш натижасида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни зоналаштиришнинг фазовий таркибини оптималлаштириш таклиф этилди. Анъанавий тарзда учта муҳофазалаш зоналарга ажратишдан кўра ҳудудни тўртта: қишлоқ хўжалиги, иқтисодий буферли ва муҳофаза қилинадиган зоналарига ажратиш илк маротаба таклиф этилди. Натижада Қуйи Амударё биосфера давлат резервати ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиладиган ерлари алоҳида зонага ажратилди. Бу ўз навбатида, таъминот экотизимлари хизматларини мониторинг қилиш имконини беради;

9. Агроландшафтларга яқин жойлашган муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ихтисослигини ҳисобга олиб, экотизим хизматларини карталаштириш усули ишлаб чиқилди. Мазкур усул асосида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати мисолида 1:500 000 масштабда муҳофаза қилинадиган ҳудудларига эга қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари билан маҳаллий жамоаларнинг ўзаро таъсири учун экотизим хизматларининг карталари илк маротаба тузилди. Натижада мазкур ҳудуддаги экотизим хизматлари ҳолати, турлари ва миқдор кўрсаткичларини мониторинг қилиб бориш имконияти яратилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ
ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

РЕЙМОВ МАМАНБЕК ПОЛАТОВИЧ

**ГЕОИНФОРМАЦИОННЫЙ АНАЛИЗ И
КАРТОГРАФИРОВАНИЕ ЭКОСИСТЕМ И ИХ УСЛУГ
ОХРАНЯЕМЫХ ПРИРОДНЫХ ТЕРРИТОРИЙ ПРИАРАЛЬЯ**

11.00.07-Геоинформатика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/T1381

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Александр Фехер (Словацкий сельскохозяйственный университет в городе Нитра) PhD, профессор

Официальные оппоненты:

Рафиков Вахоб Асомович
доктор географических наук

Суёнов Абдусоли Саматович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Защита диссертации состоится « 2 » июня 2021 года в 16:00 часов на заседании Разового научного совета при Научном совете DSc. 03/30.12.2019.T.10.02 Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39.тел./факс: тел.:(99871) 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiame.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № 161). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кари-Ниязий, 39.тел (+99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан « 18 » 05 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 161 от 18 05 2021 года).



Т.З.Султанов

Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.А.Янгиев

Ученый секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Э.Ю.Сафаров

Председатель Разового научного семинара при Разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире использование высокоточных и ресурсосберегающих методов и инструментов для анализа и картирования экосистем и услуг природных территорий занимает одно из ведущих мест. Картирование и оценка экосистем и услуг охраняемых природных территорий требует внедрения в практику технологий, повышающих их точность и оперативность «учитывая, что ежегодно во всем мире сокращается более 19 миллионов гектаров лесов, а 3,6 миллиона гектаров растительности подвержено серьезной деградации»¹. В связи с этим особое значение имеет использование современных геоинформационных технологий при оценке и картировании экосистем и услуг охраняемых природных территорий.

В мире, проводятся научно-исследовательские работы направленные на разработку новых научно-технических решений высокоточных методов и инструментов для изучения экосистем и услуг охраняемых природных территорий, интерпретации и картирования данных дистанционного зондирования. В этой связи особое внимание уделяется разработке методов, обеспечивающих высокую точность анализа и картирования экосистем и услуг охраняемых природных территорий, а также оперативному выявлению процессов засоления, опустынивания и деградации территорий и их картированию с учетом расположения региональных экосистемных услуг.

В Республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по обеспечению сохранения и устойчивого использования биологического разнообразия, развитию и расширению охраняемых природных территорий, снижению скорости деградации природных экосистем, восстановлению редких и исчезающих видов животных и растений. В Стратегии сохранения биоразнообразия в Республике Узбекистан на 2019-2028 годы определены задачи по «...развитию системы охраняемых природных территорий»². Одной из важных задач в реализации данных задач является проведение научных исследований по геоинформационному анализу и картированию с использованием специализированных индексов для мониторинга экосистем и услуг охраняемых природных территорий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года за №УП-5863 «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 июля 2019 года за №ПКМ-484 «Об утверждении стратегии по сохранению Биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

¹ <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/sustainable-development-goals/goal-15-life-on-land.html>

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 июня 2019 года № ПКМ- 484 « Об утверждении стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы»

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики IV. «Развитие информационно-коммуникационных технологий» и V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы зарубежных ученых по теоретическим вопросам опустынивания, изменений в экосистемах, концепции экосистемных услуг и картографии были проведены J.Maes, M.Petter, C.Samper, X.Hu, A.Feher, В.С.Залетаевым, Б.В.Сочавой, В.Н.Сукачевым, Н.М.Новиковой, А.М.Берлянтном и другими учеными и позволили достичь желаемых результатов.

Научно-исследовательские работы в республике по процессам изменения и опустынивания эко и геосистем Арала и Приаралья проводились такими учеными, как А.А.Рафиков, А.Б.Бахиев, Б.Жоллыбеков, А.И.Тучин, В.А.Рафиков, Н.К.Мамутов, П.Р.Реймов, А.С.Пулатов, Э.Ю.Сафаров и другими, что позволило достичь желаемых результатов.

В настоящее время, в научных литературах недостаточно изучены исследования посвященные геоинформационному анализу и картированию экосистемных услуг экологических систем и охраняемых природных территорий, расположенных в регионе Приаралья с использованием геоинформационных технологий. Поэтому, появилась необходимость в геоинформационном анализе и картировании экосистемных услуг охраняемых природных территорий, расположенных в Приаральском регионе.

